



**TASHKENT STATE  
UNIVERSITY OF ECONOMICS**

**EXPECTED DURATION OF EDUCATION**

**HRM LIFE EXPECTANCY HEALTH STATUS HUMAN C**

**STATUS HUMAN CAPITAL HUMAN CAPITAL IND**

**VOLUME 7 / 2024**

**LABOR ECONOMIC**

**QUALITY OF EDUCATION EXPECTED DURATION**

**DURATION OF EDUCATION**

**LIFE EXPECTANCY HEALTH**

**HRM HUMAN CAPITAL**

**HUMAN CAPITAL INDEX**

**QUALITY OF EDUCATION EXPECTED DURATION**

**TASHKENT S  
OF ECONOMI  
LABOUR ECO  
HUMAN CAPI**

# **MEHNAT IQTISODIYOTI VA INSON KAPITALI**

**ilmiy elektron jurnali**

## **LABOUR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL**

**scientific electronic journal**

**2024 yil 1-son**

**Volume 7, Issue 1, 2024**



МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ  
ВА ИНСОН КАПИТАЛИ  
ISSN: 3030-3117



LABORECONOMICS.UZ

МЕХНАТ ИКТИСОДИЙТИ ВА ИНСОН КАПИТАЛИ  
№ 1-2024

ЭКОНОМИКА ТРУДА И ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ  
КАПИТАЛ

LABOR ECONOMICS AND HUMAN CAPITAL

“Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy elektron jurnali O’zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasi (OAK) rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 328/3-sonli qarori bilan ro’yxatga olingan.

**Muassis:** “Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali” ilmiy maktabi.

**Tahririyat manzili:**

100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko’chasi,  
49 uy

**Elektron manzil:** [ilmymaktab@gmail.com](mailto:ilmymaktab@gmail.com)

**Jurnal web-sayti:** [www.laboreconomics.uz](http://www.laboreconomics.uz)

**Bog’lanish uchun telefonlar:**

+998998818698

**Tahririyat Kengashi raisi:**  
(Chairman of the Editorial Board)

Abduraxmanov Qalandar Xodjayevich, O'zFA akademigi

**Tahririyat Kengashi a'zolari:**  
(Members of the Editorial Board)

Toshqulov Abduqodir Hamidovich, i.f.d., prof.  
Yusupov Axmadbek Tadiyevich, i.f.d.. prof.  
Sharipov Kongratboy Avezimbetovich, t.f.d., prof  
Raifkov Kudratilla Mirsagatovich, i.f.d., prof  
Xalmuradov Rustam Ibragimovich, i.f.d., prof  
Umurzakov Baxodir Xamidovich, i.f.d., prof.  
Nazarov Sharofiddin Xakimovich, i.f.d., prof.  
Jumayev Nodir Xasiyatovich, i.f.d, prof.  
Abduraxmanova Gulnora Kalandarovna, i.f.d., prof.  
Eshov Mansur Po'latovich, i.f.d., prof.  
Zokirova Nodira Kalandarovna, i.f.d.. prof.  
Xudoibergaliyev Zayniddin Yavkachevich, i.f.d., prof.  
Muxiddinov Erkin Madorbekovich, i.f.f.d., (PhD)  
Xolmuxammedov Muhsinjon Murodullayevich, i.f.n., dots.  
Amirov Lochinbek Fayzullayevich, i.f.f.d., (PhD), dots.  
G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich, i.f.f.d., (PhD), dots.  
Shakarov Zafar Gafarovich, i.f.f.d., (PhD)

**Jamoatchilik Kengashi a'zolari:**  
(Community Council members)

Bred Bodenxauzen (AQSh)  
Jon Ankor (Buyuk Britaniya)  
Odegov Yuriy Gennadevich (Rossiya Federasiyasi)  
Xeynz Miller (AQSh)  
Sung Dong Ki (Koreya Respublikasi)  
Masato Xivatari (Yaponiya)  
Gerxard Feldmayer (Germaniya)  
Eko Shri Margianti (Indoneziya)  
Ahmed Mohamed Aziz Ismoil (Misr)  
Rohana Ngah (Malayziya)  
Sharifah Zanniyerah (Malayziya)  
Teguh Dartanto (Indoneziya)  
Nur Azlinna (Saudiya Arabiston)  
Muhammed Xoliq (Pokiston)  
Alisher Dedaxonov (Toshkent)

**Mas'ul muxarrir (Editor-in-Chief):** G'oyipnazarov Sanjar Baxodirovich

**Veb-administrator (Web admin):** Musayev Xurshid Sharifjonovich



+99899 881-86-98



ilmiyaktab@gmail.com



Tashkent, Uzbekistan



[www.laboreconomics.uz](http://www.laboreconomics.uz)

**MUNDARIJA (CONTENTS)****MEHNAT BOZORI VA MEHNAT MUNOSABATLARI**

<b>G.K.Abduraxmanova</b>	<i>Mamlakat aholisini unumli bandlik darajasini oshirish mexanizmini takomillashtirish .....</i>	7-18
<b>S.B.G'oyipnazarov</b>		
<b>S.P.Qurbanov</b>		
<b>B.E.Mamaraximov</b>	<i>Ishchi kuchini takror ishlab chiqarish yoshlar bandligini ta'minlash omili sifatida .....</i>	19-25
<b>A.A.Yadgarov</b>	<i>Agrar tarmoqni su'urtalasha malakali kadrлar tayёрлаш ҳолати ва rivojlanтириш istiқbolлari .....</i>	26-32
<b>S.P.Qurbanov</b>	<i>O'zini o'zi band qilishda zaif bandlikdan unumli bandlik sari transformatsion jarayonlar .....</i>	33-45
<b>N.R.Saidov</b>	<i>Yangi ish o'rinalarini tashkil etishga investisiyalar ta'sirini ekonometrik tahlili .....</i>	46-56
<b>F.O'Masharipov</b>	<i>Meҳнат бозорида xусусий сектор эҳтиёжи асосида ўрта бўғин кадrларини тайёрлаш: muammolар ва eчимлар .....</i>	57-70
<b>S.M.Kurbanbayeva</b>	<i>Kвалификационные рамки в современном образовании и рынке труда .....</i>	71-80
<b>I.X.Xuvaydullayeva</b>	<i>Миллий меҳнат бозорида инсон ресурсларидан самарали фойдаланиши имкониятлари .....</i>	81-90
<b>G.R.Kuziyeva</b>	<i>O'zbekistonda raqamlashtirish va ta'lim orqali mehnat unumdorligini oshirishning miqdoriy tahlili</i>	91-101

**INSON KAPITALI**

<b>A.B.Irmatova</b>	<i>Raqamli iqtisodiyotda inson kapitalini rivojlantirishda o'qitish tizimi .....</i>	102-117
<b>A.M.Saidahmadov</b>		
<b>S.M.Dusanov</b>	<i>Taъlim tizimida moliajvий ресурслар самарадорлигини оширишининг rivojlanangan horижий мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиш имкониятлари .....</i>	118-134
<b>I.I.Ergashev</b>	<i>Kичик бизнес ва xусусий тадбиркорликни rivojlanтиришда инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш uslubиёti .....</i>	135-145
<b>Sh.A.Xodjayeva</b>	<i>Основы формирования и функционирования маркетинговой деятельности высших образовательных учреждений .....</i>	146-159

<b>M.R.Babadjanova</b>	<i>Иқтисодий категория сифатида инсон капиталининг моҳияти ва унда таълимни ўрни</i>	160-172
<b>D.B.G'aniyeva</b>	<i>Ходимларни ўқитиш ва ривожлантиришнинг дастурларининг самарадорлигини баҳолаш муаммолари .....</i>	173-184
 <b>INSON TARAQQIYOTI</b>		
<b>D.I.Iskandarova</b>	<i>O'zbekistonda aholi daromadlari va unga ta'sir etuvchi omillar tahlili .....</i>	185-194
 <b>KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH</b>		
<b>M.X.Fayziyeva</b>	<i>Kambag'allikni qisqartirishga raqamli texnologiyalarning ta'siri .....</i>	195-210
 <b>INSON RESURSLARINI BOSHQARISH</b>		
<b>M.Sh.Xaydarova</b>	<i>Использование автоматизации и искусственного интеллекта в управлении человеческими ресурсами: тренды и ожидания</i>	211-221
<b>M.M.Xolmatov</b>	<i>Inson resurslarini samarali boshqaruvida inson kapitalini rivojlantirish .....</i>	222-232
<b>G.Q.Mo'ydinova</b>	<i>O'zbekistonda to'qimachilik korxonalarining rivojlanish holati va ularda xodimlarni boshqarish tendensiyalari tahlili .....</i>	233-238
<b>O.I.Rasuljonov</b>	<i>KPI – xodimlar faoliyati samaradorligini baholashning zamонавији тизими .....</i>	239-246
 <b>TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH</b>		
<b>S.U.Ismailova</b> <b>D.U.Adilova</b>	<i>Теоретические основы развития стратегии цифрового маркетинга на рынке сферы услуг и туризма .....</i>	247-254
<b>Z.M.Jabborova</b>	<i>Jizzax viloyatida kichik biznes va tadbirkorlikda mehnat munosabatlarining rivojlanishi holati .....</i>	255-263
<b>S.S.Mamatqulov</b> <b>D.I.Iskandarova</b>	<i>O'zbekistonda tadbirkorlikni innovatsion rivojlantirish asosida aholi farovonligini yuksaltirish yo'llari .....</i>	264-274
<b>M.Sh.To'xtayeva</b>	<i>Platformalarda informatsion xaritalar – aholi tadbirkorlik qobiliyatini rivojlantiruvchi vosita sifatida .....</i>	275-282
<b>T.A.Urkinbayev</b>	<i>Влияние реформ в сфере туризма на рост экономики Узбекистана и развитие предпринимательства .....</i>	283-292

**D.A.Vahobov**

- Кичик бизнес субъектлари фаолиятини инфратузилмавий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш ..... 293-305  
*Factors and assessment methods in the development of HR branding: foreign experience .....* 306-314

**Z.Dj.Adilova**

**O.U.Oxunova**

### **GENDER TENGLIK**

- O'zbekiston mehnat bozorida gender tengligi: muammolar va islohotlar .....* 315-324



**МЕHNAT IQTISODIYOTI  
VA INSON KAPITALI**  
**ISSN: 3030-3117**  
<https://laboreconomics.uz/>



**АГРАР ТАРМОҚНИ СУФУРТАЛАШДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ  
ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

**Ядгаров Акрам Акбарович**  
ISFT Институти проф.в.б. и.ф.д., (DSc)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2\\_iss1/a56](https://doi.org/10.55439/LEHC/vol2_iss1/a56)

**Аннотация.** Мақолада аграр тармоқни ривожлантириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижаси сифатида суғурта соҳасида кадрлар тайёрлаш масалаларига эътибор қартиш бўйича таклифлар илгари сурилган. Ушбу мақолада аграр соҳани суғурталаш, суғурта хизматларини кўрсатишда малакали кадрлар тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотлар тадқиқ қилинган, суғурта соҳасида фаолият юритаётган кадрлар таъминоти статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Аграр соҳани суғурталашда малакали кадрлар тайёрлашга замонавий ёндашувлар асосида ривожлантириш борасида тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** аграр тармоқ, иқтисодий ислоҳотлар, малакали кадрлар, суғурта хизматлари, кадрлар таъминоти, кадрлар тайёрлаш.

**СОСТОЯНИЕ ПОДГОТОВКИ КВАЛИФИЦИРОВАННЫХ КАДРОВ В  
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ СЕТИ СТРАХОВАНИЯ И ПЕРСПЕКТИВЫ  
РАЗВИТИЯ**

**Ядгаров Акрам Акбарович**  
Институт ISFT, проф.и.о., (доктор наук)

**Аннотация.** В статье в результате проводимых в нашей стране экономических реформ по развитию аграрного сектора выдвигаются предложения сосредоточить внимание на вопросах подготовки кадров страховой сферы. В данной статье изучаются реформы, проводимые в сфере агрострахования, подготовки квалифицированных кадров по оказанию страховых услуг, анализируется обеспеченность кадрами, работающими в страховой сфере, на основе статистических данных. Даны рекомендации по развитию аграрного сектора на основе современных подходов к подготовке квалифицированных кадров в сфере страхования.

**Ключевые слова:** аграрный сектор, экономические реформы, квалифицированные кадры, страховые услуги, кадровое обеспечение, подготовка кадров.

**STATE OF TRAINING OF QUALIFIED PERSONNEL IN AGRICULTURAL  
NETWORK INSURANCE AND DEVELOPMENT PROSPECTS**

**Yadgarov Akram Akbarovich**  
ISFT Institute acting prof., (DSc)

**Abstract.** In the article, as a result of the economic reforms being carried out in our country to develop the agricultural sector, proposals are put forward to focus attention on the issues of training personnel in the insurance sector. This article studies the reforms carried out in the field of agricultural insurance, training of qualified personnel to provide insurance services, and analyzes the availability of personnel working in the insurance sector on the basis of statistical data. Recommendations are given for the development of the agricultural sector based on modern approaches to training qualified personnel in the insurance sector.

**Keywords:** agricultural sector, economic reforms, qualified personnel, insurance services, staffing, personnel training.

## **Кириш**

Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгилаб берилган устувор йўналишларни амалга ошириш қаторида стратегиянинг 46-мақсадида “Олий таълим билан қамров даражасини 50 фоизга етказиш ва таълим сифатини ошириш” белгилаб берилди. Ушбу мақсаддан келиб чиққан ҳолда “Кадрлар буюртмачилари таклифлари асосида қабул параметрларини 2022 йилда ошириш, 2022 йилда ёшларни олий таълим билан қамров даражасини 38 фоизга етказиш, тўлов-контракт асосида ўқишига қабул қилиш параметрларини олий таълим муассасалари томонидан мустақил белгилаш тартибини жорий этиш ҳамда 2026 йилда қабул кўрсаткичини камида 250 мингга етказиш” каби устувор вазифалар белгилаб берилди.

Бугунги кунда аграр тармоқни барқарор ривожланиши барча турдаги озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати корхоналарининг асосий хом ашё таъминотчиси ҳисобланади. Шу жиҳатдан, аграр тармоқни барқарор ривожлантириш ва тармоқни турли хавф-хатарлардан суғуртавий ҳимоя қилиш бугунги глобал иқлим ўзгариши шароитида ўзечимини кутаётган долзарб масалалардан биридир.

Шу жиҳатдан таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда суғурта бозори фаолияти учун малакали кадрлар тайёрлаш каби вазифалар истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб эътибор берила бошланди. Айнан, суғурта фаолияти учун тайёрланган кадрларнинг аксарият қисми соҳа фаолияти ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бироқ, бугунги кунга келиб суғурта бозорида фаолият юритаётган суғурта компанияларнинг аксарияти суғурта йўналиши бўйича малакали мутахассислар билан таъминланиш даражасини ижобий деб баҳолаш қийин. Бевосита мазкур илмий-тадқиқот иши назарий ҳамда услубий жиҳатдан долзарб аҳамиятга эга.

## **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Аграр тармоқ таркибидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш бугунги куннинг вазифаларидан бири сифатида кўтарилганда айнан, аграр тармоқ корхоналарини суғурта хизматларини ривожлантириш ва бу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш

ҳам назардан четда қолмаслиги керак.

Аграп тармоқни ривожлантириш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишини янада ривожлантириш тўғрисида” ги фармони қабул қилинди [1].

Ушбу фармонда айнан, қишлоқ хўжалиги соҳасида таълим, илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий интеграциясини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги тармоқларининг малакали мутахассисларига бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни таъминлаш каби масалалар устиворлиги билан катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалаларига бағишлиланган йиғилишида “2019 йилнинг олти ойида тегишли ташкилотлар томонидан тўпланган суғурта мукофотлари ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошди. Лекин, аҳоли жон бошига нисбатан ҳар бир инсон учун 50 минг сўм суғурта мукофотлари тушади. Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши атиги 0,4 фоизга етди. Таққослаш учун, бу қўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фоизни, Германияда 6 фоизни, Россияда 1,5 фоизни ташкил этади” деб таъкидлаб ўтди [2].

Президентимиз бевосита мутасаддиларга суғурта соҳасини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажмини З баравар, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушкини эса 2 баравар ошириш вазифасини белгилаб бердилар.

Иқтисодчи олим Х.Шеннаев томонидан тайёрланган “Суғурта агентлари учун қўлланма” номли адабиётда суғурта соҳасида кадрлар тайёрлаш масалаласига алоҳида тўхталиб ўтган ҳолда суғурта фаолияти учун кадрлар тайёрлаш ҳамда суғурта агентларини тайёрлаш масалаларини ёритган [3]. Иқтисодиёт соҳасида чоп этилган адабиётлар ва илмий мақолаларни ўрганиш натижасида гувоҳ бўлдикки, бугунги кунда аграп тармоқни суғурталаш борасида кадрлар тайёрлаш масалаларига эътибор бироз назардан четда қолганлигидан далолат беради.

Юртимизда суғурта соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш, мутахассисларни нуфузли хорижий билим юртларида ўқитиш ва етакчи компанияларда малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратиш кераклиги белгилаб берилди.

Мамлакатимизда суғурта хизматлари соҳасидаги асосий муаммоларнинг бири сифатида суғурта хизматларининг етарли даражада қўрсатилмаслиги, шунингдек, соҳада айнан суғурта бўйича ўз малака ва амалий тажрибасига эга мутахассислар етишмаслиги ёки фаолият юритаётган соҳа вакилларининг мутахассислиги мос келмаслиги каби ўз ечимини кутаётган муаммолар мавжудлигидан

далолат беради.

### **Тадқиқот методологияси**

Мазкур тадқиқот ишида аграр тармоқ корхоналари фаолиятини суғурталашда борасида суғуртачи кадрлар тайёрлаш ва уларни агросуғурта фаолиятига йўналтириш масалаларини такомиллаштириш ва суғурта соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, суғурта хизматлари бозоридаги тенденциялар ва суғурта йўналишида таълим тизими ўртасидаги интеграцион боғлиқликни такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасаларида агро суғурта йўналишида кадрлар сиёсатининг асосий мақсади, вазифалари ва тамойиллари ўрганилди. Тадқиқот давомида тизимли ёндашув ва таҳлил қилиш усусларидан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

2024 йил январь ҳолатига кўра, суғурта бозорида 38 та суғурта компаниялари фаолият юритаётган бўлиб, шундан (31 таси умумий суғурта фаолияти, 7 таси ҳаётни суғурта қилиш тармоғида), 8 та суғурта ва қайта суғурта брокери, 5 та актуарий, 6447 та суғурта агентлари фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз суғурта соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида “Суғурта соҳасида олий маълумотли кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Ушбу қарорга кўра, суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг ходимларини соҳага ихтисослашган олий таълим муассасаларининг “Суғурта иши” таълим йўналишига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди. Шунга кўра, суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари ходимларини “Суғурта иши” таълим йўналиши бўйича 2020/2021 ўқув йили учун сиртқи ва кечки таълим шаклига тест синовлари ўтказилмасдан, белгиланган қабул квоталаридан ташқари тўлов-контракт асосида қабул қилиш жараёнини пандемия туфайли 2020 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида соҳага ихтисослашган Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтларида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб эса қабул жараёнини соҳа бўйича юқори малакали профессор-ўқитувчилар билан таъминланган бошқа олий таълим муассасаларида ҳам ташкил этиш белгилаб олинди.

**Миллий суғурта бозорида етакчи ҳисобланган “Ўзагросуғурта” АЖ нинг республика бўйича 14 та филиали ҳамда 187 та суғурта марказида жами 600 дан ортиқ ходим, деярли 1000 нафар суғурта агентлари фаолият юритмоқда.**




**1-расм. “Ўзагросуѓурта” АЖ да ходимлар таъминоти ва суѓурта мутахассислари билан таъминланганлик даражаси<sup>15</sup>**

“Ўзагросуѓурта” АЖ ходимларнинг 60 фоизга яқини олий маълумотли, хусусан 26 фоизи молия, иқтисод ва суѓурта соҳаси мутахассислариdir. Тизимда раҳбарлик лавозида фаолият юритаётганларнинг 30 фоизи ёшлар ҳисобланади.

1-расмдан кўриш мумкинки, “Ўзагросуѓурта” АЖ да 2018 йил ҳолатига кўра жами 1535 та ходимлар фаолият юритган бўлса, шундан олий маълумотли ходимлар сони 598 тани ташкил этган ҳолда шундан 40 фоизи суѓурта йўналишида таҳсил олган олий маълумотли ходимлар ташкил этган.

“Ўзагросуѓурта” АЖ ходимлар сони 2023 йил ҳолатига кўра, деярли 3 мартаға қисқарган ҳолда жами 554 тани ташкил этган ҳолда олий маълумотлилар сони 320 тани ташкил этган, шу билан бирга суѓурта йўналиши бўйича мутахассис ходимлар сони умумийга нисбатан 57,7 фоизни ташкил этган.



**2-расм. “Ўзагросуѓурта” АЖ компаниясида фаолият юритаётган агентлар сони ўзгариши<sup>16</sup>**

<sup>15</sup> Манба: “Ўзагросуѓурта” АЖ маълумотлари асосида тайёрланган.

<sup>16</sup> Манба: “Ўзагросуѓурта” АЖ маълумотлари асосида тайёрланган.

“Ўзагросуғурта” АЖ компаниясида фаолият юритаётган агентлар сони 2018 йилда 2007 тани ташкил этган бўлса, 2023 йил ҳолатига кўра 839 тани ташкил этган ҳолда 2018 йилга нисбатан 1168 тага камайган.

### **Хулоса ва таклифлар**

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, республикамида суғурта соҳасида кадрлар тайёрлаш борасида барча ҳуқуқий асослар яратилган. Бироқ, юқорида келтирилган меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида қишлоқ хўжалигини суғурталаш соҳасида ҳам кадрлар тайёрлаш масаласини тубдан ҳал этиш мақсадга мувофиқдир.

Бироқ, аграр тармоқни ривожлантиришга бўлган эътибор йилдан-йилга ортиб бораётганлиги сабабли, қишлоқ хўжалигини суғурталашда “суғурта маркетинги”, “суғурта андерайтинги”, “суғурта брокери”, “агросуғурта” ва бошқа суғурта йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашга аҳамиятни янада ошириш талаб этилади.

Аграр тармоқни суғурталаш соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- аграр тармоқни суғурталаш йўналишлари бўйича чуқур билимга эга кадрлар тайёрлаш мумкин бўлган таълим тизимини яратиш;
- аграр тармоқни суғурталаш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодий йўналишдаги таълим муассасаларида кадрлар тайёрлашга имконият бериш;
- аграр тармоқни суғурталаш соҳасида хорижий тажрибаларни ўрганиш ва уларни республика қишлоқ хўжалигини суғурталаш соҳасига кенг татбиқ этиш;
- аграр тармоқни суғурталаш соҳасида таълим ва амалиёт уйғунлигини таъминлаш мақсадида ҳар бир семестр якунида суғурта ташкилотларида ҳафталик ва ойлик тажриба алмашиш курсларини йўлга қўйиш;
- аграр тармоқни корхоналарини суғурталаш борасида фаолият юритаётган ходимларни соҳа бўйича квалификацияга эга бўлишини таъминлаш мақсадида улар учун имтиёзли ўқув жараёнларини ташкил этиш.

Сўз ўрнида айтиш жоизки, Олий таълим муассасаларида бевосита аграр тармоқни суғурталаш бўйича бакалавр ва магистлар тайёрлашни йўлга қўйиш, соҳада таълим берувчи профессор-ўқитувчиларни хорижда малака оширишлари, шунингдек, ушбу соҳа бўйича таълим оловчиларга амалий тажриба алмашиш дастурларини ҳам жорий этиш мақсадга мувофиқ.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг [“Кишлоқ хўжалигидаги билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар](#)

кўрсатиши янада ривожлантириш тўғрисида” ги фармони. 2021 йил 3 февраль. <https://lex.uz/docs/5262596>

2. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 10 июль куни “Суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш” масалаларига бағишлиланган йиғилишдаги маъruzаси. <https://president.uz/uz/2703>

3. X.M.Шеннаев Суғурта агентлари учун қўлланма. – Т.: Infocom.UZ, 2010 йил.

4. A.Yadgarov. International insurance market and experience of foreign countries in agricultural insurance. Economics and Innovative Technologies. Vol. 2020> No. 2 (2020). <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2020/iss2/>

5. A.Yadgarov. Issues of food safety on the basis of agricultural insurance. The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering ISSN: 2689-1018. JULY 2020. Page No.: 43-52 Volume-II Issue-VII PUBLISHED: 30 JULY 2020.

<https://usajournalshub.com/index.php/tajabe/article/view/576/539>

6. A.Yadgarov. The importance of using the agricultural insurance system in increasing the volume of agricultural production in pandemic conditions. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research (SJBIR) ISSN: 2319-1422 Vol.9, July 2020, Impact Factor: SJIF 2020 = 7.126. 31-37 page. <https://saarj.com/wp-content/uploads/sjbir-july-2020-full-journal.pdf>

7. “Ўзагросуғурта” АЖ йиллик ҳисобот маълумотлари.



# Mehnat iqtisodiyoti va inson kapitali

+998 71 239 28 13



## Tashkent, Uzbekistan